

“ТУРОНЭЛЕКТРОМОНТАЖ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ БАЁНОНМАСИ

Умумий йиғилиш ўтказилган жой – Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кучаси 151 А-уй.

Умумий йиғилиш ўтказилган сана – 2023 йил 18 октябрь

Умумий йиғилиш бошланган вақти – соат 11:00.

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорларга тегишли бўлган акцияларнинг умумий сони – 473 960 дона.

Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорларга тегишли бўлган акцияларнинг сони – 270 096 дона.

Умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар (уларнинг вакиллари) сони – 6 нафар.

Умумий йиғилиш кворуми – 56,9 фоизни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддасига асосан агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг **жами эллик фоиздан кўпроқ овозига** эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Санок комиссияси аъзоси Ш.О.Хайдаров сўзга чиқиб, умумий йиғилишда иштирок этаётган 6 нафар акциядорларга (уларнинг вакиллари) тегишли бўлган овоз берувчи акцияларнинг сони 270 096 дона эканлигини ва умумий йиғилиш **кворуми 56,9 фоизлигини** билдирди.

Санок комиссияси аъзоси Ш.О.Хайдаров акциядорларга (уларнинг вакиллари) йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини ва овоз бериш бюллетенларини қандай тўлдириш лозимлигини тушунтирди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 65-моддасига асосан **акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши** жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талаби, шунингдек **ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби** асосида ўтказилади.

Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари

умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида **ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан** кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

“Туронэлектромонтаж” АЖ ва Кузатув кенгашига 2023 йил 21 август куни Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 65-моддасига асосан “Туронэлектромонтаж” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чарилиши сўраб ёзма аризалар тақдим этилган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 65-моддасига зид равишда 2023 йил 22 сентябрь кунигача ҳам “Туронэлектромонтаж” АЖ ва Кузатув кенгаши томонидан тегишли ишлар амалга оширилмади.

Мазкур Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, “Туронэлектромонтаж” АЖ 236 980 дона ёки 50 фоиз акцияларига эгалик қилувчи С.М. Абдирахимовнинг ёзма талабномаси асосида ушбу йиғилиш чақирилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 73-моддасига асосан акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда **раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби** томонидан имзоланади.

Шунга кўра, Жамият кузатув кенгаши аъзолари мазкур йиғилишга таклиф этилган бўлсада йиғилишда иштирок этмаётганлиги инобатга олиб, мазкур йиғилиш раиси Н.Нуриддинов ва котиби этию Д.А. Қўчқаровни тайишлаш таклиф этилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Бир овоздан қабул қилинди.

Шундан сўнг умумий йиғилиш қатнашчилари кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтишди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида.
2. Жамият “Кузатув кенгаши тўғриси”ги ва “Ижроия органи тўғрисида”ги низомларига ўзгартириш киритиш тўғрисида.
3. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
4. Жамият кузатув кенгаши аъзолари ва котибига ҳақ ҳамда компенсациялар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала *Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида*) юзасидан йиғилиш Жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Д.А. Қўчқаров сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

Жамиятнинг уставига Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 октябрдаги ЎҚР-726-сон Қонунида кўзда тутилган ўзгаришлар киритилиши лозимлигини маълум қилинди.

Шунингдек, Жамиятнинг уставига киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида йиғилиш иштирокчиларига маълумотлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 107-моддасига мувофиқ жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши белгиланган.

Шунингдек, “Туронэлектромонтаж” АЖ акциядорларининг 22.06.2023 йилдаги йиллик умумий йиғилиши томонидан ушбу устав тасдиқланган ҳамда Жамият ижроия органига давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилган.

Бироқ, ўша пайтдаги Жамият бошқарув раиси С.Бурхонов томонидан Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 79-моддасига ҳамда Жамият акциядорларининг қарорига бажармай ҳамда ўзига юклатилган вазифани суистеъмол қилган ҳолда ушбу уставни давлат рўйхатидан ўтказилмаган.

Кун тартибидаги биринчи масала атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, тасдиқлаш учун қуйидагича овозга қўйилди.

1. “Туронэлектромонтаж” АЖнинг янги таҳрирдаги устави тасдиқлансин.

2. “Туронэлектромонтаж” АЖ бошқарув раиси (М.Абдирахимов) зиммасига ушбу тасдиқланган уставни давлат рўйхатидан ўтказиш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 270 096 та овоз, 100 %; **Қарши** – 0 та овоз, 0%; **Бетараф** – 0 та овоз, 0%.

Кун тартибидаги иккинчи масала (“Кузатув кенгаши тўғриси”ги ва “Ижроия органи тўғрисида”ги низомларига ўзгартириш киритиш тўғрисида) юзасидан йиғилиш Жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси Д.А. Қўчқаров сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди.

Жамиятнинг “Кузатув кенгаши тўғриси”ги ва “Ижроия органи тўғрисида”ги низомларига Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил

29 октябрдаги ЎҚР-726-сон Қонунида кўзда тутилган ўзгаришлар киритилиши лозимлигини маълум қилинди.

Шунингдек, Жамиятнинг “Кузатув кенгаши тўғриси”ги ва “Ижроия органи тўғрисида”ги низомларига киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида йиғилиш иштирокчиларига маълумотлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 107-моддасига мувофиқ “Кузатув кенгаши тўғриси”ги ва “Ижроия органи тўғрисида”ги низомларини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши белгиланган.

Кун тартибидаги иккинчи масала атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, тасдиқлаш учун қуйидагича овозга қўйилди.

1. Жамият “Кузатув кенгаши тўғриси”ги ва “Ижроия органи тўғрисида”ги низомлари янги таҳрирда тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 270 096 та овоз, 100 %; **Қарши** – 0 та овоз, 0%; **Бетараф** – 0 та овоз, 0%.

Кун тартибидаги учинчи масала (*Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш*) юзасидан Жамият ходими Д.А. Қўчқаров сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ, *жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.*

Шунга кўра, Жамият устав фондининг бир фоизидан акцияларига эгаллик қиливчи С.Адбирахимов томонидан Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидаги номзодлар тақдим этилган:

№	Ф.И.О.	Иш жойи
1.	Юлдашев Акбар Аббасович	“Ўзэнергоинспекция” биринчи ўринбосари
2.	Дониёр Дўстматов Эркинович	Тадбиркор
3.	Хамдамов Жамолiddин Абдуллажонович	Тадбиркор

Шунингдек, мажлис қатнашчилари томонидан кун тартибидаги масала муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг, қуйидаги қарор матни овозга кўйилди:

1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига қуйидаги номзодлар 3 йил муддатга тайинлансин:

Кузатув кенгаши таркибига номзодлар:			Овозлар сони
№	Ф.И.Ш.	Иш жойи	
1	Юлдашев Акбар Аббасович	“Ўзэнергоинспекция” биринчи ўринбосари	270 096
2	Дониёр Дўстматов Эркинович	Тадбиркор	270 096
3	Хамдамов Жамолиддин Абдуллажонович	Тадбиркор	270 096

Кун тартибидаги тўртинчи масала *Жамият кузатув кенгаши аъзолари ва котибига ҳақ ҳамда компенсациялар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш*) юзасидан Жамият ходими Д.А. Қўчқаров сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 74-моддасига асосан акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

Шунингдек, Жамият кузатув кенгаши аъзолари ва котибига ҳақ ҳамда компенсациялар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни лойиҳаси йиғилиш иштирокчиларига тақдим этилди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала атрофлича муҳокама қилинганидан сўнг, тасдиқлаш учун қуйидагича овозга кўйилди.

1. “Туронэлектромонтаж” АЖ кузатув кенгаши аъзолари ва котибига ҳақ ҳамда компенсациялар тўлаш тартиби тўғрисидаги Низоми тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 270 096 та овоз, 100 %; **Қарши** – 0 та овоз, 0%; **Бетараф** – 0 та овоз, 0%.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилгандан сўнг, Йиғилиш раиси Н.Нуриддинов бюллетенлар бўйича овоз бериб, санок комиссиясига топширишни сўради.

Овозлар санаб чиқилганидан сўнг, санок комиссияси аъзоси Ш.О.Хайдаров овоз бериш натижаларини эълон қилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижалари эълон қилинганидан сўнг, овоз бериш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар эълон қилинди.

“Туронэлектромонтаж” АЖ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

1. “Туронэлектромонтаж” АЖнинг янги таҳрирдаги устави тасдиқлансин.

2. “Туронэлектромонтаж” АЖ бошқарув раиси (М.Абдирахимов) зиммасига ушбу тасдиқланган уставни давлат рўйхатидан ўтказиш чораларини кўсиш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

1. Жамият “Кузатув кенгаши тўғриси”ги ва “Ижроия органи тўғрисида”ги низомлари янги таҳрирда тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

1. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоллигига Юлдашев Акбар Аббасович, Дониёр Дўстматов Эркинович ва Хамдамов Жамолиддин Абдуллажонович 3 йил муддатга сайлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

1. “Туронэлектромонтаж” АЖ кузатув кенгаши аъзолари ва котибига ҳақ ҳамда компенсациялар тўлаш тартиби тўғрисидаги низом”ни тасдиқлансин.

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси Н.Нуриддинов акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Баённома 2023 йил __ октябрь куни икки нусхада тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси



Н.Нуриддинов

Йиғилиш котиби



Д.А. Кўчқаров